

Ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми

Ёшлар ҳар бир давлатнинг келажагини, салоҳиятини белгиловчи муҳим ижтимоий қатлам саналади. Зеро, ҳар бир жамиятнинг ҳолати, тақдири ва истиқболи унда яшаётган ёшларнинг салмоғи, маънавияти ва онглилиги даражаси билан белгиланиши шубҳасиз. Бу ҳалқимизда «Нима эксанг шуни ўрасан» қабилидаги мақолнинг мантиқий ифодаси сифатида талқин этилиши ҳам бежиз эмас. Ёшлар жамиятнинг эртанги келажаги, унинг фаол аъзоси, таъбир жоиз бўлса жамият эртасининг муносиб ворисларидир. Мазкур нуқтаи назарга кўра ҳам ёшлар давлат ва жамият томонидан доимий эътибор талаб этадиган ижтимоий қатламдир.

Зотан, юртбошимиз томонидан кириб келган янги 2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши ҳам давлат ва жамият бошқаруви ҳамда сиёсий-ижтимоий ҳаётда ёшларимизнинг ўрни салмоқли эканлигидан далолатдир. Ёшларнинг муаммоси учун давлатимиз раҳбари томонидан жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси бевосита масъул эканлигининг қайд этилиши ҳам масаланинг ўта долзарблигини ифодалайди.

Бинобарин, бугунги кунда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти куришни мақсад билиб, кенг қамровли ислохотларни амалга ошираётган ва тараққиёт йўлида фаолият юритаётган мустақил мамлакатимизда ушбу ўзгаришларни теран идрок этадиган эркин фикрли, фаол, озод шахсларга чўнг эҳтиёж мавжуд. Давлат томонидан ёшларнинг ўз иқтидор ва салоҳиятларини амалда намоён қилишлари учун шароит яратиб берилиши ҳар вақт ўзини оқлаши шубҳасиз. Теран фикрли, фаол фуқаролар эса бугунги ёшлармиздан етишиб чиқишини унутмаслигимиз лозим.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида тўғри таъкидлаганларидек: «Биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларни, барча эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда авваламбор миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият куриш

* ТДЮИ катта ўқитувчиси, фан номзоди.

йўлидаги кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласини муҳим принципиал ва ҳал қилувчи даражага кўтарганимиз ҳаммамизга яхши аён.

Мустақиллик йилларида шу мақсадда амалга оширилган том маънодаги тарихий ишларимиз ҳозирги вақтда, сўзсиз, ўз ҳосилини бермоқда. Бу йўналишда бошлаган улкан ишларимизни давом эттириш, янги поғонага кўтариш, энг муҳими, бугунги кунда долзарб масала бўлмиш ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши учун замоннинг ўзи олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда¹.

Мустақиллик шарофати боис юртимизда иймонли, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашадиган, дунёни янгича идрок этадиган, ўз тақдирини ватанининг тақдири билан боғлиқ, деб биладиган янги авлод вакилларининг вужудга келишига имконият яратилди. Натижада, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий салоҳиятига ўз ҳиссасини қўшадиган билимдон, зукко, тадбиркор инсонларнинг вакиллари пайдо бўлди. Уларнинг аксарияти эса ёшлар эканлиги фикримизнинг далилидир. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 70 фоизини ташкил этувчи ёшлар катта ижтимоий-сиёсий куч эканлиги бир томондан давлат зиммасига улкан масъулият юкласа, иккинчи томондан эса ёшларга оид мақбул сиёсат юргизиш натижасида ижобий имкониятларни ҳам беради. Яъни, ёшларни ҳаётга тўғри йўналтириш, уларга ўзларини реал ҳаётда тутиб олиши учун моддий ва маънавий шароит яратиб бериш асносида ёшлар ва давлат ўртасидаги муносабат мустаҳкамланади. Давлат томонидан ёшларга нисбатан юритилаётган бундай сиёсат бевосита ёшларнинг ўз ҳуқуқлари ва бурчларига риоя қилиш масъулиятини оширади. Ҳозирги пайтда мазкур механизм мамлакатимизда реал амал қилаётганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок, жамиятнинг “инсон - жамият — давлат” тарзидаги янги формуласининг конституциявий асоси белгиланганлиги ҳам эътиборга молик бўлди. Негаки, дастлаб инсоннинг иродаси кейин жамиятнинг иродаси ва сўнгра давлат иродасининг ифодаланиши умумбашарий демократиянинг муҳим талабларидандир. Инсон тушунчаси тағзаминининг асосини ёшлар ташкил этиши табиий. Давлатимиз

¹ Халқ сўзи. 2007 йил 8 декабрь

рахбарининг бевосита ташаббуси билан ёшлар сиёсати давлат сиёсатининг устувор йўналиши дея эътироф этилди. Унинг натижаси ўлароқ, 1991 йилнинг 20 ноябрида республика ёшларининг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиб уни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»²ги қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни қафолатлашдан иборат этиб белгиланди. Ёшлар сиёсатига оид ушбу қоидалар қонунларимиз манбаи саналмиш конституциямизнинг муқаддимасидан бошлаб унинг мазмунига конституциявий норма сифатида сингдирилди. Бугунги кунда эса ушбу конституциявий нормалар асосида ёшларга оид қонун ва қонуности ҳужжатларнинг қабул қилинишига асос бўлмоқда.

Шунингдек, халқимизнинг миллий менталитетидан келиб чиқиб, фарзандларимизни муносиб ворислар қилиб тарбиялаш мақсадида ёшларга доир 1997 йилнинг 29 августида Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида»³ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун ёшларга таълим тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашни назарда тутди. Миллий дастур эса кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни мақсад қилиб қўйди.

Ёшларимизнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш,

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 2-сон

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон.

юрист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этишни ўзида мужассам этган 1997 йилнинг 29 августида “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”⁴ қабул қилинди. Кўриниб турибдики, ушбу дастур ҳам давлатнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиши мобайнида ёшларни мазкур жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлаш ҳамда муносиб ворислар етиштиришда уларга тегишли ҳуқуқий шароитлар яратиб беришни назарда тутди.

Юқорида келтирилган ҳар иккала қонун ва дастурларнинг мазмун моҳияти ҳам давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида ёш авлодга нисбатан етарли қонуний механизмларни яратиш йўлидаги жиддий саъй-ҳаракатини англатади. Бу мантиқий ҳол. Давлат ўз келажагини ўйлаб, фаолият юритмоқда. Соғлом авлод концепцияси давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилди. Ёшларнинг манфаатини ўзида ифода этган бир нечта давлат дастурларининг қабул қилиниб амалга оширилиши ҳам эътиборга молик иш. Шу ўринда юртбошимизнинг юқоридаги маърузасида келтирилган қуйидаги фикрларини келтириш ўринли: «...ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради».

Ёш авлодни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатининг моҳияти президентимизнинг мазкур маърузасида ўз ифодасини топган. Унга кўра: “Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш – бу ўта муҳим вазифани нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг бурчи сифатида ўртага қўйиш керак, деб, ҳисоблайман”. Масала ўта жиддий ва масъулиятли. Чунки, айнан шу қатъий мақсад йўлида жамият аъзоларининг бир мақсад йўлида бирлашиши ҳамда таълим жараёнини амалга оширувчиларнинг масъулиятни ҳис қилишигина келажакда барча соҳаларда муносиб ворисларнинг етишиб чиқишига имконият яратади. Интеллектуал салоҳиятли ёшлар ҳар бир жамиятнинг ютуғи, таянчи эканлиги барчага аён. Жамият аъзоларининг ҳар бирида мазкур йўналишда ўз бурчдорлик

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 август 466-1-сон Қарори

ҳиссининг идрок этилиши муаммонинг ҳал этилишини янада тезлаштиради.

Аслида давлатимиз мустақиллигидан кейин мустақил фикрлайдиган, эркин шахсларни камол топтириш борасида ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, конституциямиз ёхуд юқорида номлари қайд этилган қонун ёки дастурлар асосида юртимиздаги ёшларни жинси, ирқи, миллати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар соғлом ва баркамол шахс сифатида вояга етишига замин яратиш, жамиятдаги турли қатлам ёшларини ёлғизлатмаслик ва уларга давлат ҳамда жамият аъзоларининг эътиборини халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қаратиш каби савобли ишлар қилиб улгурилди.

Энди галдаги вазифалар нималардан иборат эканлигини англаб етиш ҳам муҳим. Бунга жавобни эса, яна президентимизнинг маърузасидан топамиз: “Биринчилар қаторида ёш авлодимизнинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуктаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз зарур.

Муҳим масалалар қаторида мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган умуммиллий давлат дастурларимизнинг ижросини янги босқичга кўтариш. Марказда ва жойлардаги бунга жавобгар бўлган идораларнинг масъулиятини ошириш вазифаси туриши керак”. Вазифа аниқ ва қатъий қўйилган. Изоҳга ҳожат йўқ. Демак, давлат ва ёшлар ўртасидаги муносабатни такомиллаштириш борасида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар етарли.

Кенг қамровли ислохотлар жараёни амалга оширилиш жараёнида ёшлар билан боғлиқ айрим муаммоларнинг юзага келаётгани ҳам бор гап. Давлатимиз раҳбари уни қуйидагича изоҳлайди: «Бугунги кунда ўткир муаммоларимиздан энг муҳими – бу ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш ва иш билан таъминлашдан иборат. Бу вазифа давлатимиз ва жамиятимиз. Маҳаллий ҳокимликларнинг эътибор марказида туриши зарурлиги ҳаммамизга аён.

Шу борада авваламбор қишлоқларимизда, кичик шаҳарларда истиқомат қилаётган ўғил-қизларимизни муносиб иш билан таъминлашга, айниқса армия сафларидан муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларга алоҳида эътибор беришимиз даркор”. Кўриниб турибдики, юртбошимиз ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат ўзининг

амалий ижроси билан тўқислигини эътироф этмоқда. Шунингдек, у юрт отаси сифатида ёшларнинг демографик ҳолатидан қатъи назар қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатлардан ҳар бир ёш авлод вакили бевосита манфаатдор бўлишини муҳим деб, ҳисоблайди.

Хуллас, бугунги кунда давлатнинг ёшларга оид сиёсатини амалга оширишда жамият барча аъзоларининг ҳамкорлиги ва масъулиятини оширишга зарурат мавжуд. Билъакс, ёш авлод вакиллариининг манфаатларини ифодалашда мақсадга эришиш хийла қийин кечиши шубҳасиз. Давлат ва жамиятнинг ўзи ўз ҳақ-ҳуқуқларини, бурч ҳамда масъулиятини англайдиган, мустақил фикрли, салоҳиятли, қобилиятли, истеъдодли ворисларни тарбиялашдан манфаатдор. Айнан, мулоҳазали, андишали, салоҳиятли, қобил фарзандлар ҳеч вақт давлат ва жамият олдидаги масъулиятини унутмайди. Улар давлатнинг ёхуд кенг қамровли ислохотларнинг муносиб давомчилари бўлиши шубҳасиз.

Демак, ёшлар сиёсатини амалга оширишда фаол фуқароларни тарбиялашнинг мақсадини аниқлаштиришимиз керак бўлади. Яъни сиёсийлашган индивид ёки фуқаролик жамиятининг фаол аъзоларини тарбиялаш кун тартибимиздаги асосий масала эканлиги диққат марказимизда туриши лозим бўлади. Бу борада барчамиз мавжуд қонунчилик тизимимизга асосан фаолият олиб боришимиз ҳамда уни давр талабидан келиб чиқиб такомиллаштиришимиз зарур. Табиийки, бу борада масаланинг илмий ечими мақсадга эришувимизни осонлаштиради. Мавжуд барқарор демократик сиёсий тизимни юксалтиришда, унинг мазмун моҳиятини англайдиган ва мазкур жараёнда онгли тарзда иштирок этадиган сиёсий фаол фуқароларни шакллантиришнинг илмий жиҳатга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ.